

УДК:330/332

**ИЧКИ АУДИТ ВА ТАФТИШ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚ
САМАРАЛИ ШАКЛИ СИФАТИДА**

Реймова Анар Даулетбаевна

Тошкент Менежмент ва Иқтисодиёт Институтининг
«Давлат молиявий назорати ва аудити» мутахассислиги
бўйича магистратура талабаси

reymova.anar@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада ички аудит ва тафтиш молиявий назоратнинг ўзаро боғлиқ самарали шакли сифатида бир қанча олиб борилган изланишлар ёритилган. Хамда ташқи аудиторларнинг фаолияти кўп томондан ташкилот (ички) ревизорлар иши натижаларига, малакали ва самарали ўтказилган тафтиш вақт сарфи ва ташқи аудит нархини пасайтириш, аудиторлик ва ахборот хавфини кескин камайтириш бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлари: ташқи аудит, ички аудит, молиявий назорат, дастур, режа, давлат ажратмалари, хисобот.

**ВНУТРЕННИЙ АУДИТ И АУДИТ КАК ВЗАИМОСВЯЗАННАЯ И
ЭФФЕКТИВНАЯ ФОРМА ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ**

Реймова Анар Даулетбаевна

Магистрант по направлению «Государственный
финансовый контроль и аудит» Ташкентского
Института менеджмента и экономики

reymova.anar@mail.ru

Аннотация: В данной статье рассматривается ряд исследований, посвященных внутреннему аудиту и аудиту как взаимосвязанной и эффективной форме финансового контроля. Также представлены предложения о том, как деятельность внешних аудиторов в значительной степени влияет на результаты работы организационных (внутренних) аудиторов, как сократить время, затрачиваемое на квалифицированный и эффективный аудит, и стоимость внешнего аудита, а также как существенно снизить аудиторский и информационный риск.

Ключевые слова: внешний аудит, внутренний аудит, финансовый контроль, программа, план, государственные ассигнования, отчетность.

**INTERNAL AUDIT AND AUDIT AS AN INTERRELATED EFFECTIVE FORM
OF FINANCIAL CONTROL**

Reimova Anar Dauletbaevna

Master's student in "State Financial
Control and Audit" at the Tashkent Institute of
Management and Economics
reymova.anar@mail.ru

Abstract: This article reviews a number of studies conducted on internal audit and audit as an interrelated and effective form of financial control. It also presents proposals on how the activities of external auditors largely affect the results of the work of organizational (internal) auditors, how to reduce the time spent on a qualified and effective audit and the cost of an external audit, and how to significantly reduce audit and information risk.

Keywords: external audit, internal audit, financial control, program, plan, state allocations, reporting.

Кириш

Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлашиши шароитида ҳамда Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётини жадаллаштириш ва эркинлаштиришда ҳамда хусусий тадбиркорлик секторини барқарорлигини таъминлашда аудит тизими муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ички аудит фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектларининг асосий кўрсаткичлари самарадорлигини баҳолашда катта рол ўйнайди ва корхоналарнинг молиявий фаолияти, бошқаруви, муаммоли саволлари уларни ечими бўйича асосий тавсияларни беради. Бу ўз навбатида эса миллий иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришда, шу жумладан молиявий муносабатлар ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга. Аудиторлик фаолияти миллий иқтисодиётда ва унинг молиявий томонини ривожлантиришда мустақиллик йилларида мамлакатимизда ташқи аудитнинг такомиллаштиришга сабаб бўлди

Дастурда, шу жумладан қонун ҳужжатларига оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш; жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш назарда тутилган.

Адабиётлар шарҳи.

Мақолада етакчи хорижий ва мамлакатимиз олимлардан Нидлз, Х. Андерсон, Р.Энтони, Э.Аренс, Ж.Лоббек, А.Аксененко, Б.Баканов, П.Безруких, В.Петров, В.Палий, Я.Соколов, А.Шеремет, Б. Хасанов, Э.Гадоев, М.Тулаходжаева, К.Аҳмаджонов ва бошқалар ўз илмий фаолиятларида чуқур ўрганиб чиқилган.

Хўжалик фаолияти субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит масалаларини ўз ишларида кўриб чиққанлар. Ички аудитнинг кўпгина назарий ва амалий саволлари тадқиқотларда кам ўрганилган ва бу ҳамон баҳсли масала бўлиб қолмоқда. Аудитнинг яна бир муаммоси аудиторлик ишларини автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш шароитида аудит усулини ишлаб чиқиш бу соҳада ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисодиётининг шаклланишида тармоқ ва хўжалик субъектларининг турли ташкилий ҳуқуқий шакллари аудит бўйича турлича усулларни ишлаб чиқишни назарда тутди. Бу

борада баъзи бир муаммолар борки улар ўз ечимини кутиб турибди жумладан, текширилаётган объектларни функциялашнинг прогнозли таҳлили ва жорий усулини қайта ишлаш, активларини сақлаш ҳолати, шунингдек ички хўжалик захиралари ҳолатини назорат қилиш шулар жумласидандир. Ҳозирда амалиётда ички аудитда ишловчилар меҳнатини ташкил қилиш замонавий талабларга жавоб бермайди, аксарият ҳолларда аудиторларни ҳуқуқий мақомини кўриб чиқиш, аудиторлик фаолияти турлари бўйича мунтазам равишда харажатларни кўриб чиқиш шунингдек аудиторлик хизматида шахс меҳнати сифати ва самардорлигини баҳолаш бўйича тавсиялар бериш лозим булади.

Хўжалик субъектларини иқтисодий самардорлигини янада оширишда бозор иқтисодиёти тармоқларини самарали ташкил қилишда ҳамда ички аудитнинг услубий ва назарий саволларини қайта ишлашда бу борадаги халқаро тажрибани қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Метод ва методикаси

Мақола ёзишда дедуктив ва индуктив усуллардан фойдаланилган, статистик таҳлил ўтказиш, маълумотлар йиғиш усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва методология

Тафтиш молиявий хўжалик назоратининг ягона фаолиятдаги шакли бўлиб ҳисобланади. Махсус адабиётларда тафтиш назорат усули сифатида қаралади. Хўжалик ҳаётини ўрганишда усул ўзини мақсад ва вазифаларини намोён қилади. Лекин фақатгина тафтишга усул сифатида қараш масалага бир томонлама ёндашувни билдириб у тафтишнинг хусусий предмети ва усулидан четга чиқиб қолади.

Бундай боғлиқликда тафтишни чегарасини аниқлаш ва уни мақсадига тўғри ёндашиш талаб этилади. Тафтиш бозор иқтисодиётининг алоҳида тармоқларида, корхоналарнинг хўжалик жараёнида ва турли ўзининг афзал қуринишларини ва сифатини намоён этади.

Энг муҳим объектларни тафтиш қилиш хўжалик субъектларини ҳамма жиҳатларни ҳисобга олади, “ООО Синтех Транс Сервис” бухгалтерия ҳисоби билан ҳисоблашади. Тафтишнинг предмети бошқарув фаолиятини ташкилотнинг кўзатилаётган устави текширувини ҳисобдан ташқари маълумотларни назоратдан ўтказилади.

“Шу йўсинда олимлар тафтишни предмети объектини кенгайтириш бўйича кўпгина баҳс – мунозараларни олиб бордилар. Бу баҳс ҳозирги вақтда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас. Европа амалиётининг ҳисоблашича амалдаги текширув фаолияти қайси бухгалтерия баланси унинг меъёрлари ва талабларга риоя қилишини кўриб чиқади. Бунга қарши бўлиб ревизорнинг универсал кўникмаларга эга бўла олмайди, деб ҳисоблаган олимлар чиққанлар. Улар ҳисоботни текширишда фақат у ёки бу даражада баланс ва бухгалтерия ҳужжатлари билан боғлиқ, ва таҳлил, текшириш ва хулосаларни чиқаришга оид фактларни ўрнатишга асос бўлиши мумкин масала ва шароитларни кўриб чиқишни тавсия этишди”. [1]

Иқтисодда барча тафтиш объектлари ўзаро боғланган, шунинг учун уларни ажратиш ва таққослаш маълум миқдор шартлиликда бўлади. Тафтиш объектларини аниқ шароитларга нисбатан кўриб чиқиш зарур.

Совет тузумининг илк йилларида тафтиш эътибори материал ҳисобот ва бойликларнинг ҳаққатдан мавжудлиги, уларнинг сақланганлигига қаратилган. Бунга давлат ва кооператив мулкнинг катта миқдордаги ўзлаштирилиши ва сарфланиши олиб келган.

1930-йилларда ҳужжатли тафтиш афзалроқ деб билинади, идоровий назоратнинг такомиллашиши эса назорат-тафтиш аппарати ишининг яхшиланишини таъминлайди.

1960-1970 йилларда тафтиш ҳужжатли текширишдан комплексга айланиб, уни бир гуруҳ мутахассислар олиб боради; нафақат унинг қўлланиш соҳаси, балки объекти ҳам кенгайди.

1980-йилларда мамлакатда тафтиш ишининг кейинги ривожланиши қўйи бўғинларга ва ноҳияларда мустақил назорат-тафтиш бўлимларини очишга қаратилади. Уларнинг асосий вазифалари бўлиб инвентаризацияни ўтказиш, алоҳида материал жавобгар шахсларнинг ҳисоботларини текшириш, камомадларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларни ҳисобга олиш, ижтимоий тафтиш комиссияларни бошқаришдан иборат бўлган. Бу тафтиш эътиборини бухгалтерия ҳисобининг асосий объектларига – материал-товар захиралари ва асосий фондларга қаратишга, ва шунингдек, айланма фондларнинг 2/3 ва асосий фондларнинг 3/4 қисми жамланган, барча камомадлар ва ўғирликларнинг 80% и содир бўладиган қўйи бўғинларни текширишга қаратиш имконини берди.

Бундай шароитларда идоровий назорат бошқариш фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Бу назорат кўринишининг ҳуқуқий ҳолати ва функциялари иқтисодиёт ривожланишининг турли босқичлари олдида турган қўллаб масалалар билан белгиланган, уларга вазирлик ва бошқармалар фаолиятига қараб эса ташкилий тузилма қурилган, назорат объектлари, бошқариш субъектларининг текшириш формалари ва услублари танланган. Идоравий молиявий назорат усули сифатида тафтиш бошқарув ечимларини қабул қилиш учун ахборот манбаи, ташкилот қарамоғидаги корхоналар фаолияти ҳуқуқийлигини текшириш системаси, бошқарув ечимларининг бажарилиши ҳақида ахборотни олиш қайтар алоқа механизми бўлиб хизмат қилди. Назорат-тафтиш хизмати ташкилот корхоналарида бошқарув органлари бажарадиган назоратни ташкил этишга йўналтирилган. Улар иқтисодни тармоқ бошқариш таркибига кириб, учта вазифани - профилактик, ахборот ва мобилизацияни бажарган. Мос усулларни қўллаб, тафтиш ташкилотчи ва бажарувчиларни ўз ишига маъсулиятли ёндашишга мажбурлаган, хўжасизлик ва ўғирликни чиқарувчи шароитларни топиш ва йўқотишга ёрдам берган, зарурий ахборот билан таъминлаган ва назорат объектларининг нормал фаолиятини ташкил этган.

“ООО Синтех Транс Сервис” ички назоратининг кўп йиллик унумдор фаолияти ва олимлар тадқиқотлари тафтишлар ва текширишларнинг батафсил классификациясини ва уларни ташкил этишнинг усулларини ишлаб чиқиш имконини берди, ва бу, бизнинг назаримизда, ҳозирги шароитларда ички аудиторлар томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қўлланилиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, кўпчилик муаллифлар тафтишларни бошқа-бошқа белгилар бўйича таснифлашди, шунингдек бир белгининг ўзига турлича маъно беришди. Бу уларнинг табиатини белгилашда чалкашликни келтириб чиқарди.

Берилган классификацияни рад этиш керак эмас, энг қулайроқ, тажрибада синалган жиҳатларни саралаб олиш эса мақсадга мувофиқ: комплекс тафтишлар, тематик текширишлар ва ҳисоботнинг ҳисоб текширишлари. Тафтишлар классификацияси асосига

хўжалик ва молиявий фаолият турли томонлари назорати ҳажми ва чуқурлиги қуйилди, бу бозорга ўтиш шароитида функционал (хўжалик системасининг бир ёки бир неча функцияларини ўрганади), ташкилий (бутун корхона ишини текширишни мақсад қилади), махсус (маъмуриятнинг жорий эҳтиёжлари билан белгиланади) каби текшириш категорияларига мувофиқ келади.

Тафтишнинг турли шакллари қўллаш назоратнинг кўп турдаги усуллари ва услубларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишни талаб қилди. Тафтиш тажрибаси тадқиқоти ва адабиёт манбалари таҳлили музокарали қарашлар мавжудлиги ва усулларни қўллашда ягона фикр йўқлиги хулосасини берди. Баъзи муаллифлар усулларни ҳаддан ташқари батафсиллаштиришди, назорат ишларининг алоҳида кўринишлари ва тафтиш материалларини расмийлаштириш йўллари эса услубий усуллар деб айтишди.

Тафтиш ва назорат, суд-бухгалтерия экспертизаси бўйича миллий адабиётлар товламачилик, ўғирлик, суистеъмол ва хўжалик ишида бошқа ҳуқуқбузарлик вазиятларини очиш усуллари бўйича катта тажриба орттирди. Ўн йилликлар давомида олимлар томонидан ҳужжатли ва асосли назоратнинг самарали услублари ишлаб чиқилган ва жорий этилган: масалан, назорат солиштириш, товар-материал бойликларнинг ва пул воситаларининг кунлик айланмаси таҳлили, бухгалтерия ҳисобининг оператив ҳисоб ахбороти билан таққослаш, ҳужжатларда кўрсатилган операцияларни бажариш мумкинлигини текшириш, ўзаро боғлиқ ҳужжатларнинг мантиқий таҳлили, хом-ашё ва материалларнинг ишлаб чиқаришга намунавий ўзатиш, бажариладиган ишларнинг намунавий ўлчови ва бошқалар.

“Бозор иқтисодиётига ўтишнинг анъанавий усуллари, жорий активларнинг ошириши ва ассартиментининг кенгайиб боришини, корхоналарнинг молиявий натижалари ва аҳволини баҳолашга ёрдам берувчи янги усулларни олдинга чиқаришни талаб этади. Фақатгина миллий анъаналарнинг ва Ғарб тажрибасининг синтези илм ва тажриба замонавий талабларига жавоб берувчи услубик усуллар ва алоҳида услубикаларнинг ишлайдиган системасини яратиш имконини беради”. [2]

Жамоа-маъмурий иқтисодиёт фаолияти шароитида ташкилот назоратининг асосий вазифаси бўлиб активларнинг сақланишини таъминлаш, уларни самарали ишлатиш, камомад бўйича қарздорлик, ўғриликни топиш ва бартараф этиш бўлган. Активлар сақланиши профилактик назоратининг самарали усуллари ишлаб чиқилди. Бироқ бозор иқтисодиётига ўтишда бу тажриба кам ишлатилмоқда, ҳатто умуман унутилди. Ташқи ва ички аудиторлар суистеъмолни топишга ўзларининг фаолиятида иккинчи даражали иш сифатида қарашади, асосий мақсад деб эса ҳисоботни тасдиқлаш ва солиққа тортиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш деб билишади. Бошқарув жамият тузилмаларининг активларни сақлашни таъминлаш ҳақидаги ниятлари содда ва ҳақиқатдан йироқ бўлади. Шунинг учун ички аудиторлар мажбуриятларига активларни сақлаш функциясини киритиб, тафтиш тажрибасидаги аввалги усулларни модификациялаш лозим.

Таъкидлаш лозимки, ташқи аудиторларнинг фаолияти кўп томондан ташкилот (ички) ревизорлар иши натижаларига таянади. Малакали ва самарали ўтказилган тафтиш вақт сарфи ва ташқи аудит нархини пасайтиради, аудиторлик ва ахборот хавфини кескин камайтиради.

Давлат молия назорати департаменти фаолиятининг муҳим йўналишларидан бўлиб давлат бюджети воситаларининг тушуми ва мақсадли сарфи комплекс тафтиш

текширувларини ўтказиш; аудит системасининг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш, тизимни шакллантириш ва ривожлантириш; аудиторлар томонидан ташкилотларни текшириш сифат назоратини ташкил этиш; молиявий назорат масалалари бўйича ҳуқуқий меъёрий актлар дастурларини ишлаб чиқиш; халқаро ва хорижий молиявий назорат ва аудит ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатиш; ижро ҳукумати органлари бўйича молиявий назоратни ташкил этиш ва ўтказиш; ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолияти ички назорати ташкил этилганлигини текшириш ва бошқалар ҳисобланади.

«Жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгилаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ». [3]Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги назорат-тафтиш органлари, вазирликлар ва бошқармалар фаолияти потенциали ва тажрибасини қўллаш давлат ва ички аудит ҳуқуқий ҳолатини, фаолият соҳасини ва функцияларини бозор иқтисодиёти воқелигига мувофиқ асослаш лозим. Бунда, бизнинг фикримизча, давлат органлари томонидан ўтказиладиган тафтиш (давлат аудити) ва хўжалик субъектлари тафтишларини фарқлаш лозим. “Хорижий олимлар тадқиқотлари шундан далолат берадики, таҳлилий амаллар хатоликларнинг 27,1% ини, прогнозлаш ва мунозаралар эса – 18,5%, биргаликда эса 45,6% хатоликларни аниқлаб беради”. [4]

Бундай Таҳлилий ишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан кўрсаткичлар таркибининг тўғри аниқланишидан, факторларни танлашдан ва таҳлилни ўтказишнинг кетма-кетлигидан боғлиқ бўлади. [5] Аудит хусусиятларини ҳисобга олиб, иқтисодий таҳлил шундай ўтказилиши керакки, текшириладиган объект фаолияти ҳақида фикрни ҳосил қилиш учун аудиторлик далиллари олинсин. Таҳлилий процедуралар хорижий тажриба ва бозор муносабатларига мос ҳолда ўз ичига олдинги давр молиявий ахбороти билан таққослашни, кутиладиган натижалар ва корхона фаолияти имкониятлари прогнозини, кўрсаткичлар ва тенденциялар таҳлилинини, четланишларни ўрганишни, нисбий ва ўртача катталиклар ҳисоби, фактор таҳлилни олиши керак. [6]

Ўтказилган аудит тажрибаси тадқиқоти аудит жараёнида қўлланиладиган Таҳлилий процедуралар ташкилий модели мавжудлиги ҳақидаги хулосага олиб келади. (жадвал.-1)

1-жадвал

Таҳлилий процедуралар мақсади

Ташкилот молиявий ва мулкӣ ҳолати билан танишиш	Ташкилотнинг келажакдаги фаолияти қобилиятини баҳолаш	Молиявий ҳисоботдаги эҳтимол мавжуд хатоликларни кўрсатиш	Батафсил аудиторлик текширувини қисқартириш	Ҳисобнинг аниқ бўлимлари ва объектларини таҳлил қилиш
---	---	---	---	---

Ахборот манбалари

Ўтган йиллар ва ҳисобот даври	Молиявий фаолиятнинг схемалари ва	Тармоқ статистик	Жорий бухгалтерия ҳисоби	Номолиявий ахборот
-------------------------------	-----------------------------------	------------------	--------------------------	--------------------

молиявий ҳисоботлари	прогноزلари	маълумотлари	маълумотлари	
-------------------------	-------------	--------------	--------------	--

Таҳлилий процедуралардан фойдаланиш босқичлари

Аудитни режалаштириш даврида	Аудитни жараёнида	ўтказиш	Аудитни босқичида	яқунлаш молиявий
			кўрсаткичларни умумлаштириш	



Таҳлилий процедураларнинг кўриниши

Молиявий ва номолиявий ахборотларни солиштириш	Бухгалтери я ҳисоботини смета (режали) кўрсаткичлар билан солиштириш	Молияви й ва ўтган даврлар нисбатини баҳолаш	Турли даврлардаги счёт қолдиқларини солиштириш	Аудитор томонидан аниқланадиган маълумотларни солиштириш
---	---	--	--	--



Таҳлилий процедуралар натижасида олинadиган далиллар

Кенг қамровли таҳлилий кўриниш	Умумлаштирил адиган молиявий коэффициентлар	Эҳтимоли бўлган банкротликнинг моделлари	Молиявий ҳолат кўрсаткичлари	Молияви й маълумотлар мажмуи ёки ҳисобнинг алоҳида объекти тўғрисида маълумот
---	---	---	------------------------------------	---

Улардан аниқ танлаб олиш ёки қўшимча кўрсаткичларни киритиш соҳа фаолияти йўналишлари хусусиятлари ҳисобга олинishi билан амалга оширилиши керак. Таҳлилий процедуралар бошқа аудиторлик процедураларини ўтказиш орқали тасдиқланиши мумкин.[7]

Таҳлилий процедуралар қаторида компетент ахборот мос аудит процедуралари ва услублари орқали олинishi мумкин.

Хулоса

Давлат аудити асосий вазифаларига давлат қонунчилиги бажарилиши назорати; давлат воситаларининг тежамли ишлатилиши; моддий ва пул маблағларининг сақланиши;



бухгалтерия ҳисобининг тўғри йулга қўйилиши; хўжасизлик, исрофгарчилик, ортиқча ёзишга чек қўйиш киради.[8]

Бу шартлар билан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги назорат-тафтиш органлари системасини комплекс ривожлантириш республика дастурини ишлаб чиқиш ва бажариш белгиланган. Дастур мақсади, бюджет маблағларининг сарфи назоратини кучайтириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат фойдасини кўпайтириш, иқтисодда молиявий бузилишларни олдини олишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги назорат-тафтиш органлари системасини комплекс ривожлантиришдир. Дастурда шунингдек бошқа давлат назорати органлари билан ҳамкорликнинг структураси, даражаси ва шакллари ривожланиши асосий йўллари, назорат-тафтиш органларининг ходимлари таркиби, ҳуқуқий ва ахборот таъминоти белгиланган.

Дастурнинг муҳим низомлари бўлиб аввалги йиллар назорат материаллари ва тенденциялари комплекс ва тизимли таҳлили асосида қонунчиликни мукамаллаштириш ва иқтисодда молиявий бузилишлар олдини олиш мумкинлиги бўйича прогноз баҳоларни ва таклифларни жорий этиш; назорат-тафтиш органларининг давлат ғазначилиги, қонун ҳимояси органлари ва солиқ инспекциялари, ташкилот ва ички молия назорати билан ҳамкорлик механизмини яхшилаш; услубий бошқарувни ички аудит билан таъминлаш ва уни ташкил этишнинг халқаро тажрибасидан фойдаланиш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Андреев В.Д. Внутренний Аудит. – М.: «Финансы и статистика», 2019.
2. Андреев В.Д. Внутренний Аудит. – М.: «Финансы и статистика», 2009
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 6-б.
4. Ғуломхўжаев А. Моллиявий ҳолат таҳлилий амалларнинг ички аудит тизимидаги ўрни//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси/2018-ноябрь. 63-66 бетлар.
5. Ways to improve the accounting for liabilities in the travel agency. ТМ Zhuraevna European journal of economics and management sciences, 3-6.
6. АА Каримов, СУ Мехмонов, МЖ Темирханова Развитие социально-экономических систем в условиях нового технологического уклада. Стратегия устойчивого развития в антикризисном управлении экономическими ...
7. М.Ж Темирханова, ХБ Зарипов СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЦИФРОВОЙ МОБИЛЬНОЙ СВЯЗИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ Бюллетень науки и практики 6 (7), 262-271
8. М.Ж Темирханова, Хусан Баходирович Зарипов, Ли Шаоминь. Совершенствование цифровой мобильной связи в современном мире Бюллетень науки и практики Вуulleten nauki i praktiki 6 (7), 262-271